



НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Мансуров Саидхўжа Камалович

Тошкент давлат иқтисодий университетининг
докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a32

Аннотация. Ушбу мақолада Наманган вилояти тўқимачилик корхоналари ва кластерлар томонидан амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятидаги таҳлили ўрганилган.

Калит сўзлар: тайёр маҳсулотлар, тўқимачилик кластерлари, трансформация, хом ашё, ип-калава, газлама, трикотаж мато, саноат маҳсулотлари, экспорт хажми, айланма маблағлар, ярим тайёр маҳсулотлар, инвестицион муҳит.

АНАЛИЗ ЭКСПОРТНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Мансуров Саидхўжа Камалович

Докторант Ташкентский государственный
экономический университета

Аннотация. В данной статье изучен ход экономических реформ, реализуемых текстильными предприятиями и кластерами Наманганской области, а также проведен анализ их производственного и экспортного потенциала.

Ключевые слова: готовая продукция, текстильные кластеры, трансформация, сырье, пряжа, трикотажное полотно, промышленная продукция, объем экспорта, оборотный капитал, полуфабрикаты, инвестиционная среда.

ANALYSIS OF EXPORT COMPETENCE OF TEXTILE ENTERPRISES IN NAMANGAN REGION

Mansurov Saidkhodja Kamalovich

Doctoral student of Tashkent
State University of Economics

Abstract. This article examines the progress of economic reforms implemented by textile enterprises and clusters in the Namangan region, and also analyzes their production and export potential.

Keywords: finished products, textile clusters, transformation, raw materials, yarn, knitted fabric, industrial products, export volume, working capital, semi-finished products, investment environment.

Кириш. Бугунги кунда пахта хом ашёни чуқур қайта ишлаш тизими аввалам бор кластерларга таянилади. Бунда кўшимча қиймат маҳсулотлар ишлаб чиқилиши маҳсулот таннархини камайтириб, халқаро бозорларда соф рақобат муҳитини шаклланишида дунё тажрибасининг саноатнинг бошқа соҳаларида исботлади. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади хар тамонлама Ўзбекистонда ишлаб чиқилган тўқимачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишланиши ва экспорт хажминини кўшпайтириш ҳамда жахон брендлари ҳамкорликда иш фаолиятларини амалга ошириш ва ушбу компанияларни мамлакатимизга жалб этиш натижасида экспорт салоҳиятини оширишдан иборат хисобланади. Бу борада, Республика ху-

дудларида чуқур қайта ишлаш занжирини тўлиқ шакллантирган ва тайёр маҳсулотлар улуши юқори хисобланган Наманган вилояти тажрибасини ўрганиш ва бошқа вилоятларга ҳам татбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Тўқимачилик кластерларнинг иқтисодий ва экспорт салоҳиятини оширишда олимларнинг бир қанча таклифлари илгари сурилган. Маҳаллий олимларимиздан А.Солиев ва З.Хакимовлар мақолаларида “Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари” келтирилган[1].

Ушбу олимларнинг айнан ушбу ҳудудни танланишига вилоятнинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш хажми юқорилигидадир. А.Ш.Бекмуродов ва Янг Сонг Бе “Ўзбекистон

тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви”[2] деб номланган монографиясида кластер моҳияти ва уларнинг рақобатбардошлиги, хорижий мамлакатлар, компаниялар ва маҳсулотлар кесимида эришилган натижалар мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Америка олимлари М.Портер “Рақобат услунлиги назарияси” [3], М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценлар “минтақавий кластерлар концепцияси”[4], А.Маршалл “Саноат худудлар назарияси” [5], П.Бекатин “Италян саноат округлари назариялари”ни илгари суришган. [6]

Т.Кононинг фикрига кўра, корхонани ишлаб чиқарган маҳсулот тури фақат бир турдаги маҳсулот билан чекланган бўлса, бундай корхона бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришдан чекланганлиги сабабли, ягона ихтисослашган корхона деб таъриф берган. Аксинча агар хар хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бундай корхона диверсификациялашган корхона ҳисобланади. Бозор муносабатлари шаклланишига қараб корхона диверсификацияланишига ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланади[7].

Р.Питс ва Х.Хопкинс таърифида бироз бошқача жихатга амал қилиниб, диверсификацияни бир вақтнинг ўзида бир нечта бизнес турларини юритиш сифатида белгилайдилар[8].

Юқорида қайд этилган хориж олимларнинг назарияларида кластерлар бу рақобат услунлигини амалга оширишда юқори самара ҳисобланиб таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таъкидланади.

Кластерлар билан боғлиқ жараёнлар ва худудларни ривожлантиришда Россия олимлари Ю.С.Артомонова, Б.Б.Хурусталева[9] томонидан ўрганилган.

Тадқиқот методологияси. Изланиш давомида иқтисодий, статистик, қиёсий таҳлил, хронологик кузатиш ва математик усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимларнинг мавзу дорасида чоп этилган илмий ишларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, инсоннинг физиологик эҳтиёжи икки нарсага чамбарчас боғлиқ. Булар озиқ-овқат ва кийим-кечак маҳсулотлари ҳисобланади. Бу борада Америкалик машхур рухшунос А.Маслоу назариясига таяниб, шундай хулоса қилинадики кийим-кечак маҳсулотлар кундалик хаё-

тимизни бусиз тасаввур қилолмаймиз. Global Cotton Outlook халқаро баҳолаш рейтингининг 10 йиллик маълумотида кўра, жаҳонда йиллик пахта хом ашёси етиштириш кўрсаткичи 2%, 2021 йилдаги 116,6 миллион тоннадан 2031 йилга келиб 136,5 миллион тоннага, ўн йилликда 18%га, савдо ҳажми кўрсаткичлари 2021 йилдаги 46,5 миллион тоннадан 2031 йилга келиб 52 миллион тоннага ортиши прогноз қилинган [10]. Ушбу маълумотдан кўриниб турибдики дунё бозорида аҳоли сони ўсиши билан кийим-кечак маҳсулотларга бўлган талаб ҳам кўпайиб бораверади. Булар эса ўзимизда пахта хом ашёни чуқур қайта ишлашни оптималлаштириш ва кўшимча қийматга эга бўлган тайёр трикотаж ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиб жаҳон бозорларига экспорт қилишни тақозо этади. Шу ўринда бир савол вужудга келиши табиий. Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш улушини оширишда нималарга таянилади? Бунда биз буни чуқур қайта ишлаш занжирига ва маҳсулотларни жаҳон стандартлари асосида ишлаб чиқаришдан иборатлигини келтиришимиз мумкин бўлади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон пахтачилиги соҳасини ривожлантиришда Ҳукумат томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хоссатан, Президентимиз раҳнамолигида кўплаб қарор ва фармонларнинг қабул қилинишининг пировард мақсади ишлаб чиқарилаётган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни пахта-тўқимачилик кластерлар томонидан чуқур қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулот шаклига келтириш ва уларни экспортга йўналтириш ҳисобланади. Шундай экан, Республиканинг хар бир худудида пахта-тўқимачилик кластерлар фаолиятини такомиллаштириш стратегик мақсадлардан саналади. Умуман олганда, мустақилликнинг дастлабки йилларидан ҳозирги давргача соҳани ривожланиши учта босқични ўз ичига олган. Биринчиси, қишлоқ хўжалигидаги пахтани дастлабки ишлаш босқичидаги жараёнлар, иккинчиси, пахтани қайта ишлаш босқичидаги ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган тўқимачилик фабрикалари ва 2018 йилдан пахтани чуқур қайта ишлашга мўлжалланган кластерлаштириш тизими ҳисобланади.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки 14 йилида енгил саноат тизими аграр соҳага ихтисослашган тизим сифатида тилга олинарди. Асосан етиштирилган пахта хом ашёси дастлабки қайта ишлаш асосида тола ишлаб чиқариб, асосан экспортга йўналтириларди.

SANOAT IQTISODIYOTI



1-расм. Ўзбекистон тўқимачилик саноат корхоналарини ривожланиш босқичлари

Манба: муаллиф томонидан тайёрланди.

Сўнгра мамлакатимизда ислохотлар натижасида толани экспорти қисман қисқариб ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга эришилиб давлат томонидан соҳани янада тараққий эттиришга доир қарор, фармон ва имтиёзлар қабул қилиниб амалиётга жорий этила бошлади. Натижада ип-калава, трикотаж мато, ип газлама маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши кўпайиб иш билан бандлик даражаси ошди. 2016-2017 йилларда эса тизимда трансфорция жараёнлари бошланди. Пахта теримида болалар ва давлат бюджети ходимлар меҳнатига буткул барҳам берилди. Шунингдек Яъники “Пахта саноат” холдинг компанияси тугатилиб, чуқур қайта ишлаш занжирига ўтилди.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ривожланиб бораётган етакчи саноат тармоқларидан бири ҳисобланади. Хар йили мамлакатимизда кўплаб тадбиркорлик субъектларнинг айнан ушбу соҳада фаолиятларини бошлашлари соҳанинг тараққий этишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган 10 000 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес вакиллари тўқимачилик соҳасида фаолият юритаётган бўлиб, ушбу соҳада банд бўлган ишчи ва ходимлар сонини 500 минг кишидан оширади.

Бунда пахта заводларини трансформация қилиниши ва хом ашё етиштиришнинг интенсив усулларидан фойдаланилди. Қўшимча замонавий агрегатлар, тракторлар сотиб олинди, пахта тозалаш заводлари модернизация қилинди ва замонавий янги техникалар билан таъминланди. Бунинг натижасида

кластерлар тасарруфига ўтган заводлар томонидан тола ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатини кузатишимиз мумкин.

Сўнгги олти йилликда тўқимачилик саноатида амалга оширилган ишларнинг натижасида тармоқнинг ишлаб чиқариш қувватлари ортиб, улар томонидан кенг ассортиментга эга бўлган ип-калава, газлама, трикотаж мато ва уларни бўйлаш-пардошлаш ҳамда тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар ташкил этилди. Бугунги кунда Республиканинг барча ҳудудларида тўқимачилик саноатини ривожланиши ўзига хос услубга эга. Наманган вилояти мисолида қарайдиган бўлсак, ушбу ҳудуд Республика миқёсида саноати ривожланган ҳудудлар тизимига киритилади. Тўлиқ қайта ишлаш занжири асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми бошқа вилоятларга нисбатан сезиларли даражада кўпдир. Хозирда тўқимачилик саноатида ҳам муваффақиятларга эришиб келмоқда. Ҳудудда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши анчагина кўп саналади. Хўш бу ерда бир савол туғилади, нима сабабдан ҳудуднинг салоҳияти юқори? Муаллифнинг фикрича аввалам бор, Наманганда уста шоғирд тизими яхши йўлга қўйилган бўлиб, янги ишга қабул қилинган кадр моддий тарафдан эмас, балки ўзининг ишини етук мутахассиси бўлишига интилиб меҳнат қилишаётганлиги исботланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз халқаро пахта коалицияси томонидан пахта бойкоти олиб ташлангандан сўнг, халқаро ритейлар ва компанияларни келиши кўпайиб бормоқда.

Халқаро брендга эга бўлган дунёга машхур компаниялар “Puma”, “Nike”, “Adidas”, “Hugo boss” “Zara”, “G&A”, “Gap Inc”, “H&M”, “Levi Strauss&Co”, “Tesco”, “Walmart”, “Burberry Group” PLC, “The Walt Disney” ва бошқа кўплаб компаниялар ўзларининг фаолиятларини Бангладеш мамлакатларида олиб боришмоқда. Ўзбекистонда пахта теримида давлат ташкилотлари ходимлари ва болалар меҳнатига чеклов ўрнатилгандан сўнг мамлакатимизга юқорида қайд этилган машхур компанияларнинг брендлари инвестиция киритилишига

қизиқишлари кўпайиб бормоқда. Буларнинг натижасида, Ўзбекистоннинг экспорт ҳажми ошиб, бошқа мамлакатларга ҳам экспорт диверсификация қилишга олиб келади. Натижада экспорт салоҳияти ошади. Дарҳақиқат экспорт салоҳияти иборасига тўхталсак, ушбу иборага тўхталадиган бўлсак, бу ерда фақатгина экспорт ҳажми, экспорт номенклатураси, экспорт географияларни ўз ичига олмаган. Сабаби, бу ерда экспортни амалга оширишгача бўлган жараёнларни ҳисобга олиш даркор.



2-расм. Тўқимачилик корхоналарини экспорт салоҳиятини шакллантирувчи омиллар ва натижалар

Манба: муаллиф томонидан тайёрланди.

Расмда тўқимачилик корхоналарини экспорт салоҳияти ва уни шакллантириш омиллари келтирилган, унда ушбу омиллар тўлиқ амалга оширилганда экспортда эришиладиган натижалар кўрсатилган.

Бугунги кунда Наманган вилояти ҳар соҳада саноати ривожланган ҳудудлар қаторидан жой олган. Тўқимачилик саноатида ҳам иқтисодий ўсиш суръатлари ривожланиб бормоқда. Айниқса ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларнинг Республика миқёсидаги ишлаб чиқариш ва экспортдаги улуши бошқа ви-

лоятларга нисбатан сезиларли даражада кўпдир. 2023 йил маълумотларига таяниб Наманган вилоятида жами 2428 та ҳар хил турдаги тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари мавжуд бўлиб, йилиги 102,9 минг тонна калава ип, 163 млн.кв.м бўялган ип-газлама, 40 минг тонна бўялган момиқ сочиқ, 15 минг тонна трикотаж мато, 130 млн.дона тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бўёқ қувватлари бўйича вилоятда 20 та йирик бўёқ корхоналарда йиллик 46,2 минг тонна момиқ

сочиқ маҳсулотлари, 16 минг тонна трикотаж мато, 163 млн.кв.м ип-газлама маҳсулотларни бўйаш қувватлари мавжуд. Шунингдек, 2023 йилда вилоятдаги 317 та тўқимачилик ва

тикув-трикотаж корхоналари томонидан 450 млн.долларлик маҳсулотлар экспортга йўналтирилди.

1-жадвал

Наманган вилояти тўқимачилик корхоналарининг иқтисодий статистик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2017 йил	2022 йил	2023 йил	2023 йилнинг 2022 йилга нисбатан ўсиш суръати (%)
1	Корхоналар	Сони	722	2 233	3 401	152%
2	Етиштирилган пахта толаси	Минг.тн	61,2	74,1	81,2	132,6 %
3	Ишлаб чиқарилган ип калава	Минг.тн	26,9	87,6	100,0	114,1
4	Иш ўринлари	Нафар	15 825	85 698	99 702	116%
5	Ишлаб чиқариш хажми	Трлн.сўм	1,7	6,4	10,1	157 %
6	Экспорт хажми	Млн.долл	103	405	701	173%

Манба: “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики сўнгги олти йилликда Наманганда тўқимачилик соҳасида иқтисодий ўсиш тенденцияларини кузатиш мумкин. Ип-калава ишлаб чиқариш хажми 100,0 минг тоннани ташкил қилиб, 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати 371 % ёки 3,7 баробарга ошган. Бу ерда яна бир жиҳатга эътибор бериш керакки иш самарасида мамлакатимиз пахтасини халқаро компаниялар томонидан сотиб олишга бўлган таъқиқни олиб ташланиши бўлди. Натижада, мамлакатимизда инвестиция муҳити яхшиланиб, қулай ишбилармонлик муҳити вужудга келди. Бу айниқса Наманганда ривожланиб бормоқда.

Пахта хом ашёни етиштириш миқдори камайиб сифати ошиб бораётганлиги туфай-

ли пахта толасига бўлган етишмовчиликлар кузатиш мумкин. Наманганда айнан шундай етишмовчиликлар вужудга келганлиги сабабли Эрон мамлакати, Сурхондарё ва Қашқадарёдан тола олиб келиб қайта ишланмоқда. Вилоятда ип-калавани қайта ишлаш даражаси 2017 йилда 30%, 2022 йилда 70%, 2023 йилда 90% ташкил қилди. Вилоятда ишлаб чиқариш хажми 2017 йилда 1,7 трлн.сўм, 2022 йилда 6,4 трлн.сўмни, 2023 йилда 10,1 трлн.сўмни ташкил қилди. 2023 йилнинг 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати 6 баробарга кўпайган. Вилоятнинг экспорт салоҳияти ҳам ўзига хос ривожланиш тенденцияларига эга ҳисобланади.



2-расм. 2018-2023 йилларда тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт кўрсаткичлари

Манба: “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Расмда 2018-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик маҳсулотлари ва Наманган вилоятининг жами экспорт ҳажми ва улар орасидаги фарқи кўрсатилган. Наманган худудининг экспорти 2023 йилга келиб 701 млн.долларни ташкил қилган. 2023 йилда Наманган вилоятининг жами экспорт ҳажмидаги улуши 24,4 фоизни ташкил қилган. Жами экспортнинг тўртдан бир қисми Наманган хиссасига тўғри келади. Юқорида қайд этганимиздек, вилоятда тайёр маҳсулотларнинг чуқур қайта ишлаш ва экспорт ҳажми ривожланиб бораётганлигидан далолатдир. Бугунги кунда вилоятнинг тўқимачилик кластерлари фаолиятларида ўсиш тенденциялари ҳам кузатилмоқда.

Наманган вилоятининг кластер тизими га тўхталсак. Ҳозирги кунда вилоятда 8 та кластерлар фаолият кўрсатмоқда. Булар “Арт софт холдинг” МЧЖ, “Наманган тўқимачи” МЧЖ, “Тошбулоқ текс” ҚК МЧЖ, “Наманган пахта текс” МЧЖ, “Текстил финанс Наманган” МЧЖ, “Учқурган текстил” МЧЖ, “Ифтихор кийим саноат” МЧЖ, “Чуст ғалла кластер” МЧЖ кластерлардир. Вилоят ишлаб чиқариш ҳажмининг катта қисмини чуқур қайта ишлаш занжири бўлган кластерларга таянилади. Ҳозирги кунда пахтадан ип-калава чиқариб улар тўлиқ қайта ишланмоқда. Кластерларнинг ишлаб чиқариш билан биргаликда экспорт ҳажми ҳам кўпайиб бормоқда.



3-расм. 2018-2023 йилларда Наманган вилоятида амалга оширилган экспорт кўрсаткичлари

Манба: Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Расмда пахта-тўқимачилик кластерлари ва унинг вилоятдаги экспорт улуши келтирилган. Бу йерда тайёр маҳсулотларнинг экспорт улуши ҳам кўпайиб бормоқда. 2023 йилда Наманганда 2022 йилга нисбатан икки баробар ўсиш кузатилган. Экспорт ҳажми 701 млн.долларни ташкил қилган бўлса, шундан кластерлар 173,8 млн.доллар ёки 24,4 фоизни ташкил қилган. Экспорт номенклатураси ҳам йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Бу ерда асосан тайёр маҳсулотлар улуши кўплигини кўришимиз мумкин. Наманган бошқа вилоятларга нисбатан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича етакчи саналади.

Жадвалдан маълумки костюм шим ишлаб чиқарувчи корхоналар сони вилоятда 1120 тани ташкил этади. Эркаклар кўйлаги ишлаб чиқарувчи корхоналар 821 тани,

пальто ишлаб чиқарувчи корхоналар 950 та, куртка ишлаб чиқарувчи корхоналар 798 та. Булар асосан тўлиқ экспортга ишлайдиган корхоналар ҳисобланади ҳамда вилоятнинг тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошишига сабаб бўлиб, қулай инвестиция жозибадорлигини намоён қилади. Энди вилоятнинг инвестиция тизимидаги амалга оширилаётган ишларга тўхталсак. Наманган вилоятида 2024 йилда тўқимачилик тармоғи бўйича умумий қиймати 681,4 млн.долларга (шундан 169,2 млн.доллар ўз маблағлари, 215,5 млн.доллар банк кредити 296,6 млн.доллар хорижий инвестиция ва кредит) тенг 12 та йирик тўқимачилик лойиҳалари амалга оширилиши натижасида 16 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил қилиниб, бунинг натижасида 445 млн доллар экспорт салоҳияти яратилади.

Наманган тўқимачилик корхоналарини йиллик ишлаб чиқариш қувватлари

№	Маҳсулот тури	Ишлаб чиқарувчи корхоналар сони	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати
1	Калава ип	19	103,9 минг.тонна
2	Ип газлама	34	275,4 млн.кв.м
3	Вафел сочиқ		275,4 млн.кв.м
4	Момиқ сочиқ	33	29,6 минг.тонна
5	Техник марли	10	10 млн.пог.м
6	Трикотаж мато	11	2000 тонна
7	Тайёр трикотаж маҳсулотлар	60	64,1 млн.дона
8	Нотўқима мато	10	30,0 млн.пог.м
9	Пайпоқ	7	21 млн.жуфт
10	Костюм шим	1120	62,1 млн.дона
11	Эркаклар кўйлаги	821	135,0 млн.дона
12	Пальто	950	65 млн.дона
13	Куртка	798	63,2 млн.дона
14	Эркаклар шими	950	85 млн.дона
15	Ётоқхона чойшаби	35	16 млн.дона
16	Трикотаж матони бўяш	3	16 минг.тонна
17	Момиқ сочиқни бўяш	18	45 минг.тонна
18	Ип газламани бўяш	10	76 млн.пг.м
19	Калава ипни бўяш	2	7 минг.тонна
20	Одялга гул бошиш	1	750 минг.пг.м
21	гилам	1	360 минг.кв.м

Манба: “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг Наманган вилояти филиали маълумотлари асосида тайёрланди.

Ушбу лойиҳалар ишга туширилиши натижасида вилоятда кўшимча 70,0 минг тонна аралаш толали ип калава, 36,8 минг тонна трикотаж мато, 162,2 млн.кв.м ип газлама, 24,3 минг тонна трикотаж мато бўяш, 114,4 млн.кв.м ип-газлама бўяш ва 21,3 млн. дона тикув-трикотаж ҳамда 28,5 млн. комплект уй текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш янги қувватлари яратилади.

Ушбу кўшимча қувватлар яратилиши ҳисобига вилоятда ип-калаваниқайта ишлаш даражаси 1,5 баробарга, трикотаж мато ишлаб чиқариш 5,5 баробарга, газлама матолар ишлаб чиқариш ва бўяш 2 баробарга ёки 50 фоизга ҳамда юқори кўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражаси 2 баробарга ёки 50 фоизга оширилишига эришилади [11].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги ПФ-2-сонли фармони асосан Чортоқ туманида 106,0 гектар ер майдонида тўқимачиликка ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил этилди. Мазкур фармонга мувофиқ давлат маблағлари ҳисобидан ушбу кичик саноат зонага барча коммуникация тармоқларини тортиш ва йирик сув тозалаш иншоотини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ушбу кичик саноат зонасига импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари, текстиль фурнитуралари ва аксессуарлари, бўёқ ва кимёвий моддалар, технологик ускуналар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш мақсадида 2024 йилга мўлжалланган манзилли дастур шакллантирилмоқда.

Наманган ип-газламаларни чуқур қайта ишлаш тизимини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Айниқса худудда ип-газламадан тайёр бўлган кийим-кечак маҳсулотлар хажми кўп. Ип-газламадан тайёр бўлган маҳсулотлар қаторига кўйлак, кастюм-шим ва бошқа турдаги маҳсулотларни келтиришимиз мумкин бўлади. Хозирда Наманганда тикилган кастюм-шим маҳсулотлари Республика худудлари бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, хаттоки Европа Иттифоқи мамлакатларга ҳам экспорт қилиш бўйича охириги олти йилда улкан муваффақиятга эришилди. Маҳаллий бренд номи остида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар нафақат МДХ балки Европа Иттифоқи, Араб мамлакатлари, Форс кўрфази ва бошқа минтақаларга экспорт қилинмоқда. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, “Идеал текстил орзу” МЧЖ ўзининг

“IDEAL” бренди остида, “Ифтихор кийим саноат” МЧЖ “ADIM” брендида, “Асрор текстил саноат” МЧЖ “D.MARETTI” брендида, “Barkas tekstil” МЧЖ “BARKAS TEKS GROUP” брендида, “Lyuks plus servis” МЧЖ “VAKKONI COLLECTION” брендида ва “Aisha home textile” МЧЖ “AISHA” брендлари остида кўйлаklar, кастюм шимлар ва сочиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариб Европа Иттифоқи, ва МДХ мамлакатларига тўғридан-тўғри экспортни амалга ошириб келмоқда. Булар мамлакат тўқимачилик саноати имиджини яхшиланишига олиб келмоқда. Буларнинг натижаси халқаро тўқимачилик компания брендларини Наманган вилоятида иш фаолиятларини амалга оширилишига сабаб бўлмоқда.

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайиши тўғридан-тўғри халқаро брендларни мамлакатимизга кириб келиши ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларни ривожлантиришга олиб келмоқда. Ҳозирги кунда дунёга машҳур тўқимачилик компанияларнинг Наманганда ўзларининг бренд номлари остида маҳсулотлар ишлаб чиқариб экспорт қилмоқдалар. Мисол учун: “Fazman textile” МЧЖ 1000 та иш ўринга эга бўлган корхона ўртача йиллик экспорт ҳажми 15 миллион долларни ташкил қилади. Ушбу корхона “HUGO BOSS” бренди остида тайёр маҳсулотлар Европа Иттифоқи ва МДХ мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

“Kid Kamilla” МЧЖ “ 350 та иш ўринга эга “FUNDAY” брендида, “Chust textile” МЧЖ 1600 иш ўринга эга “ZALLA” брендида “Ифтихор кийим саноат” МЧЖ “ZARA” бренди остида ҳамда “Nafis tex” МЧЖ “crockid” бренди остида жaxon стандартларига мос сифатли тайёр маҳсулотлар Европа ва МДХ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Пахта саноатини трансформациялаш ва тўқимачилик саноатини кластерлаштириш жараёни сўнгги беш йилликда Республика вилоятларини иқтисодий ривожлантирилишига туртки бўлди. Бу борада, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти юқори ҳисобланган ҳудудлар тажрибаларини бошқа вилоятларда амалиётга жорий этиш лозим бўлади. Наманган, вилоятида илгаридан шаклланган касб эгалари ҳисобланган тикувчилик ва чеварчилик соҳаларида етук тажриба мавжудлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги юқорилиги ҳамда тайёр маҳсулотларга ихтисослашган корхоналар сони кўпчилигини инobatга олсак бошқа вилоятларга ҳам айнан шундай бошқарув жараёнини амалга оширишни тақозо этади.

Ҳозирги вақтда кластер ва тўқимачилик корхоналари мамлакат иқтисодиёти ўсишида ҳамда миллатимиз турмуш тарзини юксалтиришда долзарб аҳамиятга эга эканлигини намoён этади. Шу ўринда, кластер ва тўқимачилик корхоналарида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар нафақат тадбиркорлар учун балки мамлакатимизнинг ўзбек бренди номи асосида ишлаб чиқарилган тайёр тикув-трикотаж маҳсулот ассортиментлари кенгайишига, уларни чекка ҳудудларига маҳаллий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келиши, ҳудуднинг саноат улушини ўсишига шу билан биргаликда, аҳолининг турмуш тарзи ва иш билан бандлик даражасига ва ниҳоят ҳудудий экспорт кўрсаткичларини таъминланишга сабаб бўлади. Наманган вилояти айнан шу тизимдаги ишларни бардам ташкил этаётган вилоятлар қаторига киради. Ушбу ҳудуднинг тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўплигига сабаб бу юқорида қайд этганимиздек уста-шоғирд тизимини муваффақиятли олиб борилаётганлиги билан боғлиқ саналади.

Шу билан биргаликда Наманган тўқимачилик саноатини ҳамда соҳани янада тараққий топишида тизимда чуқур қайта ишлашни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини оширилишида бир қанча ишларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

1. Маҳаллий логистика компаниялар томонидан Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳудудига киришга руҳсат берувчи “ДОЗВОЛ” лицензия беришни кўпайтириш ва уларни ишлаш механизмни янада соддалаштириш ҳамда, шаффофлаштириш чораларини ишлаб чиқиш натижасида маҳаллий юк ташувчи компаниялар доимий равишда экспорт юкларини ташишларига замин яратилади.

2. Экспорт шартнома ижросини белги-ланган муддатларда таъминлашда маҳаллий тўқимачилик корхоналарига Хитой давлатидан келтирилаётган хом ашё ва бутловчи қисмларни Хитой ва бошқа (транзит) йўналишидаги мамлакатлар темир йўл станцияларида Ўзбекистон юк олувчилар учун йуналтирилган юклар миқдорини, вақтинча тўхтаб ва қолиб кетиш сабабларини ўрганиш асносида, уларни ўз манзилларига қисқа муддатларда етиб борилишини йўлга қўйиш.

Шунингдек, Хитой мамлакатидан юкларни Ўзбекистон Республикасига киритилиши учун альтернатив йўналишидаги маршрутларни (Тошкент-Андижон-Ўш-Иркиштам-Қашғар ва бошқалар) ҳамда автомобилларда маҳаллий юк ташувчиларни жалб қилган

ҳолатда юкларни етказиб бериш чораларини тезлаштириш.

Чет мамлакатлар хоссатан, Европа иттифоқи мамлакатлардан келаётган буюртмаларни ўз муддатидан кечиктирмаган ҳолда бажарилиши таъминланади, шу билан биргаликда мамлакатимизда қўшимча 50 млн. доллардик тайёр маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилади.

3. Мамлакатимиз тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларни Тожикистонга олиб кирилишида амалда қўлланиладиган давлат бож (30 фоизгача) ставкаларини камайтириш ёки умуман олиб ташлаш масалаларини ҳал этиш;

Хоссатан, жисмоний шахслар томонидан Тожикистонга олиб кетилаётган тўқимачилик маҳсулотлар тўғридан-тўғри шартномалар асосида эмас, балки жисмоний шахслар (КАРГО-СЕРВИС) орқали етказилади ва бу расмий статистик экспорт ҳисоботларида намоён этилмаслигини инobatга олган ҳолатда, жисмоний шахслар томонидан чет мамлакатларга олиб чиқилаётган маҳсулотлар экспорт статистик ҳисоботларда намоён этилиши ва шу асосда ишлаб чиқарувчиларга нисбатан экспортёр корхоналарга қўлланилиб келинаётган тартибларни жорий қилиш.

(Изоҳ 1 дона костюм шимнинг ўртача экспорт нархи 15-18 доллар ҳисобланиб, Тожикистонда бож тўловлари ва транспорт харажатидан сўнг бу нарх 20-22 долларни ташкил этмоқда. Шу билан биргаликда, Тожикистон бозорида Хитой ва Туркия давлатларида

ишлаб чиқарилган костюм шимнинг ўртача нархи 19-20 долларни ташкил этади)

Таҳлил ва ҳисоб китобларга асосан, Тожикистоннинг йиллик костюм-шим маҳсулотларига бўлган талаби 3,0 миллион дона 50 млн.долларга ва бошқа туркумдаги тўқимачилик маҳсулотларига 60 млн.доллардан зиёд талабни ташкил этади.

Юқоридагилар амалга оширилиши натижасида дастлабки босқичда Тожикистондаги тўқимачилик маҳсулотлари бозорининг энг камида 3 дан 1 қисми Ўзбекистон маҳсулотларига туғри келиши кутилиш эҳтимоли ва қўшни давлатга тайёр маҳсулотлар экспорт хажми 3 баровар ёки 45-50 млн.доллардан ошиши кутилади.

4. Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар “BCI”, “SEDEX”, “ОЕКО ТЕХ”, “GOTS”, “Яшил Тугма”, “WRAP”, “Social Accountability 8000”, “Nature textile”, “Soil association” ва “BSCI” каби сертификатларни жорий этилишини кенг тарғиб этишни йўлга қўйиш натижасида, уларни жорий этишда “Ягона Ойна” мезонларига асосланган ҳолатда соддалаштирилган тизимини ишлаб чиқиш.

“Ягона Ойна” тизимида корхоналарга Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар сертификатларни ўзлаштирилишида қулайликлар амалга оширилади. Мамлакат тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларининг Европа бозорларига кириб бориши натижасида “GSP+” дастуридан унумли фойдаланишга эришилган бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Солиев ва З.Хакимовлар “Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари” “Бизнес-эксперт” журнали 2014 йил 1-сон, 52-57 бет.
2. А.Ш.Бекмуродов ва Янг Сонг Бе “Ўзбекистон тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви”. Монография, 2006 йил, 112 бет.
3. Портер М.Международная конкуренция. –М.: Международные отношения, 1993. С.51.
4. Enright, M (1996) “Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda”, in Staber, U., Schaefer, N. And Sharma, B, (Eds). “Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin”. Walter de Gruyter, p.190-213.
5. Маршалл А. Принципы экономической науки, I-III. Пер. с англ.- М.-Издательская группа “Прогресс”, 1993
6. П.Бегаттин- Becattini G. From Marshalls to the Italian “Industrial Districts”/ www.copetitivness.org
7. Коно Т. Стратегия и структура японских предприятий. –М.: Мысль, 1987.-214 с.
8. Новицкий Е.Г. Проблемы стратегического управления диверсифицированными корпорациями М. Буквица, 2001.
9. Кластерные политики и кластерные инициативы: теория, методология, практика. (Коллективная монография). Минобразования и науки РФ, Минэкономразвития РФ, Правительство Пензенской области. Пенза-2013.
10. D.Hudson, J.Malaga, Bing Liu. Global Cotton Outlook 2021/22-2030/2031. Texas (USA), ICAC, 2020.-p 3,23
11. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг Наманган филиали маълумотлари асосида тайёрланди.